

Тиббиёт коллежи ўқувчиларининг инсонпарвар-ахлоқий мулоқотлари

Ш.Қ.МАРДОНОВ,
педагогика фанлари доктори,
Ю.Л.АРСЛОНОВ,
ЎзПФИТИ тадқиқотчиси

Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги сиёсати «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да баркамол инсонни, ҳар томонлама ривожланган шахсни интеллектуал-коммуникатив ва маънавий асосда тарбиялаш устувор вазифа сифатида эълон қилинган. Ислом Каримов бу борада «Бизга муаммолар кенг доираси бўйича, иқтисодиёт ёки сиёсат, маънавият ёки маданият соҳаси бўлсин, ҳар қандай мамлакатнинг ҳар қандай даражадаги олимлари билан тенг даражада нуфузли анжуманларда мунозара олиб бора оладиган ҳақиқий билимга эга, интеллектуал, билимдон инсонлар керак», деб таъкидлайди ҳамда ёш авлодни тарбиялашга эътиборни кучайтириш зарурлигини устувор вазифалар қаторига киритади: “..таълим-тарбия – онг махсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса кўзлаган мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди”.

Ўзбек халқининг бағрикенглик, меҳрибонлик, меҳр-шавкатлилиқ, сабр-чидамлилиқ, миллий ҳамжихатлик, тинч-тотувлик, дўстона муносабат каби маънавий-ахлоқий тажрибалари том маънода инсонпарварлик намунасидир. Мана шу инсонпарварлик – шахсга ижобий таъсир кўрсатувчи умуминсоний қадриятларнинг асоси сифатида замонавий коммуникатив мулоқотнинг турли даражаларида ўзини намоён қилади. Инсонпарварлик – жамиятнинг муҳим ахлоқ нормаларидандир.

Айнан ижтимоий, маънавий-ахлоқий асосларга таянган мулоқотларнинг барча даражалари ёш авлоднинг шахсий ҳаёти фаровонлиги, унинг ижтимоий, касбий муҳитга кириб бориши муваффақиятининг ишончли асосидир. Бугунги кунда ўқувчиларни коммуникатив мулоқотларга тайёрлашда замонавий тамойиллар ва янгича ёндашувлар зарур. Шу сабабли давлат таълим сиёсатида қуйидаги асосий тамойилларга эътибор қаратилади: таълим-тарбиянинг инсонпарварлик ва демократик хусусиятда бўлиши; коллеж ўқувчиларини инсонпарвар-ахлоқий муносабатларга тайёрлаш муаммоларига мослаштирилиб, дунёвий хусусиятли бўлиши. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да, касб-ҳунар коллежлари тўғрисида янги педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқувчиларга таълим бериш ва тарбиялашни жадаллаштириш, халқимиз бой маънавий ва интеллектуал мероси ва умуминсоний қадриятлар асосида таълимнинг инсонпарварлик йўналганлигини таъминлаш тақлиф этилади.

Бундан ташқари, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да шахс манфаатларини амалга ошириш шароитлари ва амалий механизмларини яратишга, эскириб қолган фикрлашни ва ижтимоий хулқни ўзгартиришга эътибор кучайтирилади. Булар ёш авлоднинг мулоқотлари муаммоларини ҳал этишда муҳим ҳисобланади.

Мулоқот асослари - замонавий ўзгарувчан жамиятда ёшларнинг ҳаётга мослашишлари учун муҳим шарт саналади.

Замонавий шароитларда жамиятнинг ривожланиши бўлажак ёш мутахассисларни инсонпарвар-ахлоқий нормалар асосида мулоқотларга тайёрлашдир. Мулоқот асосларини билиш инсоннинг ўзига, ўз жамоасига ишончини оширади, натижада шахснинг шаклланиш жараёни осон кечади.

Ўз иши, ўз тақдиридан қониқиш ҳисси ҳосил бўлади. Тиббиёт коллежи - ўқувчиларнинг касбий йўналиш, кўникма ва малакаларини чуқур ривожлантирувчи, тиббиёт мутахассислигини берувчи (ушбу касбда истаган йўналиши бўйича) ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув муассасидир.

Дастурли таълим жараёнида тиббиёт касб-ҳунар коллежи ходими ҳеч бир вазиятда ўз кадр-қимматини йўқотмайдиган (нафақат тиббиёт соҳасида, балки ҳаётда ҳам), атрофдагиларга ҳурмат, одоб билан муносабатда бўлишга қодир шахс сифатда шакллантирилади. Тиббиёт ходими бўлажак касбий фаолиятида ҳамкасблари, беморлар, уларнинг қариндошлари билан мулоқотда бўлади. Ҳар куни қатор коммуникатив масалалар тўпламини ҳал қилишга тўғри келади. Бироқ тиббиёт коллежида ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг индивидуал-шахсий ва касбий инсонпарвар-ахлоқий мулоқотлари муаммосини кенг ва ҳар томонлама, индивидуал ва дифференциал ҳал этишнинг имкони йўқ. Шу сабабли шахслараро инсонпарвар-ахлоқий мулоқотларни аудиториядан ташқари машғулотларда ташкил қилиш зарурияти пайдо бўлади (назарий, назарий-амалий, тренинг асосида). Коллеж ўқувчиларини инсонпарвар-ахлоқий мулоқотларга тайёрлаш педагогикаси зарур (мулоқот асослари бўйича аудиториядан ташқари машғулотларнинг имкониятлари кенг). Шахслараро инсонпарвар-ахлоқий мулоқотларнинг педагогик асослари педагогика фанининг муҳим муаммоси ҳисобланади. Унда шахслараро мулоқотларга ўргатишга педагогик ёндашув асосий омил ҳисобланади. Чунки замонавий жамиятда коммуникатив мулоқот, шу жумладан, шахслараро ва касбий-мақсадли мулоқотларнинг роли ва аҳамияти кучаяди.

Мулоқот муаммоларининг назарий жиҳатлари - А.Б.Беляева, Н.В.Бордовская, А.В.Брушлинский, П.Гриффан, В.А.Кольцова, М.Коул, А.А.Леонтьев, Б.Ф.Ломов, А.В.Мудрик, А.А.Реан ва бошқалар томонларидан ўрганилган; мулоқот маданиятини шакллантириш муаммоси О.Н.Франковская томонидан, мулоқот асослари, унинг қоидалари - М.И.Бобиева, В.А.Кан-Калик, Ю.С.Крижановская; шахслар бир-бирларини тушунишлари, билишлари, когитив-коммуникатив, амалий, ижодий, коммуникатив-ахборот, ижтимоий каби мулоқотнинг турли жиҳатларини - Е.В.Циканова, А.А.Бодалев, А.А.Бруднўй, В.А.Кольцова ва бошқалар ўрганганлар.

Л.Б.Филонов, И.И.Рўданова томонларидан мулоқот педагогикаси ўрганилган, В.А.Кан-Калик, Н.В.Кузьмина, А.А.Леонтьев, А.А.Реан каби тадқиқотчилар касбий-педагогик мулоқот, унинг маданиятини ўрганадилар. Олимлардан А.А.Бодалев, К.Н.Гаврилова, А.В.Суворов мулоқотлар педагогикасида унинг инсонпарварлигини, шу жумладан, шахслараро мулоқотларда инсонпарварликни ажратиб кўрсатадилар. Мана шу мазмунда педагогика фанида шахслараро мулоқот асослари, хусусан, унинг қоидалари ва одоби ҳамда таълим жараёнида ахлоқий нормалар (этика асослари) билан боғлиқ тадқиқотларга эътибор кучайтирилади (М.И.Бобиева, В.И.Сафьянов, Г.С.Семенова).

Шундай қилиб, шахслараро инсонпарвар-ахлоқий мулоқотларнинг умумназарий асослари, унинг баъзи жиҳатлари етарлича ўрганилган; шунингдек, мулоқотлар педагогикаси бўйича тадқиқотлар мавжуд, уларда инсонпарварлик (шу жумладан, шахслараро мулоқотдаги) ҳамда ахлоқий омиллар ажратиб кўрсатилади, бироқ юқорида кўрсатилган омиллар билан боғлиқлик мавжуд эмас. Демак, шахслараро инсонпарвар-ахлоқий мулоқотлар муаммоси ўз ечимини кутмоқда ва у тегишли касб-хунар коллежларида тиббиёт ходимларини тайёрлашда, айниқса, долзарбдир.

Республика ўрта махсус касб-хунар таълими тизимининг тиббиёт коллежларида муаммонинг ҳолатини ўрганиш қуйидагиларни аниқлаб берди.

Миллий маънавий ва умуминсоний кадриятлар асосида инсонпарварлик анъаналари тикланмоқда, инсонпарварлик тарбияси асосида таълим соҳасини гуманитарлаштириш муаммоси қўйилмоқда. Инсонпарварлик, маънавийлик меъёрига инсонийлик тамойили сифатида қаралмоқда. Бироқ бу муаммо замонавий педагогик жараёнда ёш мутахассисларни тайёрлашда, шу жумладан, ўрта махсус таълимда - айниқса, битирувчилари мулоқот маданияти билан ажралиб туриши зарур бўлган тиббиёт коллежларида ўз ечимини талаб қилмоқда. Тиббиёт коллежларида шахслараро инсонпарвар-ахлоқий мулоқот муаммоси маълум даражада касбий одоб масаласи сифатида ҳал этилган, бироқ уларнинг таълим жараёнидаги ўзаро боғлиқлиги пухта ҳал этилмаяпти, бунинг ўқув вақти регламенти етишмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Мулоқотнинг ахлоқий (этик) асослари бўйича аудиториядан ташқари машғулотлар гоҳ-гоҳда ўтказилса-да, тематик режалар, машғулотлар мазмуни етарли даражада пухта ишлаб чиқилмаган. Улар шахслараро касбий мулоқотнинг инсонпарвар-ахлоқий омилига йўналтирилмаган, уларда маънавий, инсонпарвар-ахлоқий мазмундаги фольклор материалларидан, маънавий-ахлоқий ҳамда диний қоидалар, Шарқнинг машҳур алломаларининг маънавий тарбия тўғрисидаги ғоя ва мулоҳазалари, педагогика, тиббиёт этикаси, илғор технологиялар ютуқлари ва инновацион методикалардан тўлиқ фойдаланилмайди. Бунинг натижасида ёшлар, бўлажак тиббиёт ходимларининг шахслараро инсонпарвар-ахлоқий мулоқот маданияти даражалари жуда паст, бу эса уларнинг шахсий ҳаётда, касбий тиббий фаолияти истикболларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Тиббиёт коллежларида ўқув жараёни ҳамда аудиториядан ташқари машғулотларнинг турли шаклларида таълимни инсонпарварлаштириш ва ахлоқий асосда тарбиялашнинг тегишли даражаси таъминланмаган. Аммо ушбу муаммони ҳал этишга йўналтирилган самарали мазмунга, мос технологияга ва янги методикага эга тадқиқот ишлари мавжуд эмас. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама ривожлантириш устуворлиги етарлича фаоллаштирилмаган, шу сабабли ўрта бўғин тиббиёт ходимларини баркамол шахс сифатида шакллантиришда тегишли сифатга эришилмай келинмоқда.

Тиббиёт коллежлари ўқувчиларининг шахслараро мулоқотлари, шу жумладан, инсонпарвар-ахлоқий асосдаги касбий мулоқот (биринчи навбатда мотивацион ва рағбатлантирувчи омилларни кучайтириш билан) маданиятига талаб ва эҳтиёжларини тезлик билан қондириш зарур.

Инсонпарвар-ахлоқий мулоқот маданияти жиҳатларини ёш тиббиёт мутахассисларининг билишлари уларнинг касбий ҳаёти ва фаолиятида жуда муҳим ҳисобланади.

Бўлажак мутахассисларни тарбиялаш ҳамда мулоқот маданиятини такомиллаштириш учун шароит яратиш лозим. Аудиториядан ташқари ишларда тегишли дастурлар ва методик қўлланмалар, янги технологиялар, инновацион методика асосида ушбу жараённи кучайтириш зарур.

Тиббиёт коллежлари ўқувчиларини инсонпарвар-ахлоқий мулоқотга тайёрловчи ташаббускор ўқитувчилар ҳам педагогик ёрдамга, яъни пухта ишлаб чиқилган машғулотлар тўплами ҳамда методик тавсияларга муҳтождирлар.

Шундай қилиб, изланишлар жараёнида қуйидаги мавжуд қарама-қаршиликлар ҳам аниқланди.

Тиббиёт коллежлари раҳбарияти ҳам, педагогик кадрлари ҳам шахс ривожланишига асос бўлувчи ўқувчиларни инсонпарвар-ахлоқий, индивидуал-шахсий, касбий-талаб этувчи мулоқотларга тайёрлаш муҳимлиги ва зарурлигини тушуниб етдилар, лекин уларда тегишли дастур, аудиториядан ташқари машғулотларнинг тематик режалари, тавсиялар, ўқув ва методик қўлланмалар ҳамда ишланмаларнинг йўқлигидан қийналадилар. Муаммонинг етарлигича ўрганилмаганлиги ҳамда татқиқ қилинмаганлиги, шунингдек, республика тиббиёт коллежлари педагогик амалиётида етарли ва малакали амалга оширилмаганлиги ҳамда кўрсатилган қарама-қаршиликлар педагогика фани ва амалиётида ушбу муаммонинг ҳал этилиши ижтимоий талаб этилиши зарурлигидан келиб чиқиб ушбу мақола тайёрланди.

Тиббиёт коллежлари ўқувчиларида шахслараро инсонпарвар-ахлоқий мулоқот маданиятининг ривожланишига муҳим асос бўлувчи унинг таркибий қисмини шакллантириш лозим.

Инсонпарвар-ахлоқий асосдаги мулоқот маданиятига ёш инсоннинг ижтимоий ҳаётга, касбий фаолият муҳитига киришининг ишончли омили сифатида қаралади.